Ўзбекистон Республикаси,
Тошкент шаҳри, Миробод тумани
тадбиркорлик субъектларини рўйҳатга олиш
инспекцияси томонидан
2013 йил “____” _____да
_____ – рақами билан

«РЎЙХАТГА ОЛИНГАН»

_____

м.ў.

MIROBOD TUMAN HOKIMIYATI
TADBIRKORLIK SUB'EKTLARINI
RO'YXATDAN O'TKAZISH
INSPEKTSIYASI
RO'YXATGA OLINDI
2013 y «05» 06 №03-000463

«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`icha bosh loyiha-qidiruv instituti Ochiq aksiyadorlik jamiyati акциядорларининг 2013 йил “14” майдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарори билан

«ТАСДИҚЛАНГАН»

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши раиси

_____

Хасилов Х.Н.
(ФИШ)

м.ў.

«BOSHTRANSLOYIHA» TRANSPORT BO`ICHA BOSH LOYIHA-QIDIRUV INSTITUTI OCHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI УСТАВИ

(ЯНГИ ТАҲРИР)

УСТАВ МАЗМУНИ:

1 Умумий қоидалар……3

2 Жамиятнинг юридик мақоми, жойлашган ери ва почта манзили…….4-5

3 Жамият фаолиятининг рўйхати …….5-6

4 Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари …….6-7

5 Жамият устав фондининг миқдори, уни кўпайтириш ва камайтириш тартиби….7-9

6 Жамият акциялари турлари, уларнинг номинал қиймати…….9

7 Жамият акцияларини жойлаштириш тартиби ва шартлари…….9-10

8 Жамият акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари……10-11

9 Жамият фойдасини, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби 11-12

10 Жамиятнинг захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби…….....12

11 Жамиятни бошқариш органлари…….12

12 Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши…….12-17

13 Жамият Кузатув кенгаши ……17-20

14 Жамият Ижроия органи …….20-22

15 Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш …….22-23

16 Корпоратив маслаҳатчи 23

17 Жамиятнинг ҳисоби ва ҳисоботи, йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби 23-24

18 Жамиятни қайта ташкил этиш ва тугатиш 24-27

19 Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш.....27

1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. **«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`icha bosh loyiha-qidiruv instituti Ochiq aksiyadorlik jamiyati** (матн давомида Жамият деб номланади) «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиха-қидирув институти масъулияти чекланган жамиятини қайта тузиш шаклида қайта ташкил этиш тўғрисидаги Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши қарорига биноан ва Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳар Миробод тумани ҳокимининг 2002 йил 17 декабрдаги 1503- сонли «BOSHTRANSLOYIHA» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий мақоми «BOSHTRANSLOYIHA» очиқ акциядорлик жамиятига ўзгарганлигини ҳамда янги таҳрирдаги низомини рўйхатга олиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ давлат рўйхатига олинган ва ушбу қарорга мувофиқ Жамият «BOSHTRANSLOYIHA» масъулияти чекланган жамиятининг ҳуқуқий вориси хисобланади.

1.2. Жамиятга Тошкент шаҳри, Миробод тумани Хокимияти томонидан 2002 йил 19 декабрда 03-000463 сонли реестр тартиб рақами билан давлат рўйҳатига ўтказилганлигини тасдиқловчи гувохнома берилган.

1.3. Жамият даставвал Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва хусусийлаштириш кўмитаси Тошкент шаҳридаги бошқармасининг (бугунги кундаги Ўзбекистон Республикаси хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент шаҳар бошқармаси) 1994 йил 20 сентябрдаги 848по-р сонли “Ташгипротранс” Транспорт бўйича Тошкент лойиха-қидирув институтини “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонасига айлантириш ва хусусийлаштириш тўғрисида”ги фармоиши асосида ташкил топган ва Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Миробод тумани Хокимининг 1994 йил 24 октябрдаги 347/9-сонли “Ташгипротранс” Транспорт бўйича Тошкент лойиха-қидирув институтини “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонасига қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисида”ги қарорига асосан “ГИПРОТРАНС” ЖК Жамоа корхонаси сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтган.

1.4. Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳри Миробод тумани Хокимининг 2000 йил 19 декабрдаги 1969- сонли “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонасини «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиха-қидирув институти-масъулияти чекланган жамиятга ўзгарганлиги хамда янги тахрирдаги низомини рўйхатга олиш тўғрисида”ги қарорига асосан “ГИПРОТРАНС” Жамоа корхонаси «BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиха-қидирув институти-масъулияти чекланган жамияти сифатида қайта давлат рўйхатидан ўтган.

1.5. Жамиятнинг давлат тилидаги тўлиқ расмий номи:
«BOSHTRANSLOYIHA» Transport bo`icha bosh loyiha-qidiruv instituti ochiq aksiyadorlik jamiyati;

Жамиятнинг давлат тилидаги қисқартирилган номи:
«BOSHTRANSLOYIHA» OAJ;

Жамиятнинг давлат тилида кирилл алифбосидаги тўлиқ расмий номи:
«BOSHTRANSLOYIHA» Транспорт бўйича бош лойиха-қидирув институти очиқ акциядорлик жамияти;

Жамиятнинг давлат тилида кирилл алифбосидаги қисқартирилган номи:
«BOSHTRANSLOYIHA» ОАЖ;

Жамиятнинг рус тилидаги тўлиқ расмий номи:
Открытое акционерное общество «Головной проектно –изыскательский институт по транспорту «BOSHTRANSLOYIHA»;

Рус тилидаги қисқартирилган номи:
ОАО «BOSHTRANSLOYIHA».

2. ЖАМИЯТНИНГ ЮРИДИК МАҚОМИ, ЖОЙЛАШГАН ЕРИ ВА ПОЧТА МАНЗИЛИ

2.1. Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан юридик шахс ҳисобланади. Жамият ўзининг мустақил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида мол-мулкига эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

2.2. Жамият ўз фирма номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Жамият ўзининг фирма номи давлат тилида тўлиқ ёзилган ва тимсоли тасвирланган юмалоқ муҳрига (муҳрда қўшимча равишда фирма номи бошқа исталган тилда ҳам кўрсатилиши мумкин), ўз номи ёзилган штампи, бланкаларига, товар белгисига ва ўз тимсолига эга.

2.3. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари ва мазкур Устав талабларига амал қилади.

2.4. Жамият акциядор ёки хар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уч иш куни ичида уларга Жамият устави, шу жумладан унга доир ўзгартишлар ва кўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига биноан Жамиятнинг амалдаги Уставидан нусха олиб бериши шарт.

2.5. Жамият ўз фаолиятини тижорат асосида амалга оширади ва Жамиятнинг фаолият мақсади фойда олишдир.

2.6. Акциядорлар Жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайдилар ва унинг фаолияти билан боғлиқ зиёнларни ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида тўлайдилар.

2.7. Акциялар ҳақининг ҳаммасини тўламаган акциядорлар Жамият мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.

2.8. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.9. Давлат ва унинг органлари Жамият ўз зиммасига олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайдилар, худди шунингдек Жамият ҳам давлат ва унинг органлари олган мажбуриятлар юзасидан жавобгар бўлмайди.

2.10. Жамиятнинг мол-мулки унга мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлиб, Жамият акцияларини жойлаштиришдан тушган маблағлар, асосий фондлар ва айланма маблағлар, кўчар ва кўчмас мулклар, қимматли қоғозлар, олинган даромад, қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа асосларда олинган бошқа мол-мулклардан ташкил топади.

2.11. Жамият юридик шахс ҳуқуқини олган шуъба ва тобе хўжалик жамиятларига эга бўлиши мумкин.

2.12. Жамият ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида филиаллар ташкил этиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин.

2.13. Жамият Ўзбекистон Республикасидан ташқарида янги шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этиши ва ваколатхоналар очиши ҳамда уларга қонун ҳужжатлари ва Жамият Уставида белгиланган доирада ва тартибда ваколатлар бериши мумкин. Агар Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномасида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, Жамият томонидан Ўзбекистон Республикасидан ташқарида шуъба корхоналар, филиаллар ташкил этилиши ва ваколатхоналар очилиши, ушбу шуъба корхона, филиал ва ваколатхона жойлашган мамлакат қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади.

2.14. Жамият филиал ва ваколатхоналарини мол-мулк билан таъминлайди.

2.15. Жамиятнинг филиаллари ва ваколатхоналари юридик шахс ҳисобланмайди, Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низомлар асосида иш кўради.

2.16. Жамият ўзининг юридик манзилидан ташқари Ўзбекистон Республикаси худудида маъмурий идораларга эга бўлишга хақли.

2.17. Жамият корхоналар, ташкилотлар ва бошқа тижорат тузилмаларини ташкил этишда ва уларнинг хўжалик фаолиятида ўз маблағлари билан, шу жумладан улуш қўшиш асосида қатнашиш ҳуқуқига эга.

2.18. Жамият ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, ўз манфаатларини ифода этиш ва ҳимоя қилиш ҳамда биргаликдаги дастурларни амалга ошириш мақсадида уюшмалар (иттифоқлар) ва ўзга бирлашмаларда қатнашиши мумкин.

2.19. Жамият, тижорат операцияларини амалга оширишга доир ва улар бўйича қарорлар қабул қилишда мустақилдир.

2.20. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

2.21. Жамиятнинг жойлашган ери (почта манзили): Ўзбекистон Республикаси, 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Нукус кўчаси, 23 “А” уй.

3. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ РЎЙХАТИ

3.1. Жамият фаолиятининг асосий мақсади – фойда олишдир.

3.2. Жамият фаолиятининг асосий мақсади илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жалб қилган холда, истеъмолчиларнинг манфаатларига жавоб берадиган маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) ишлаб чиқариш, турли фаолият сохаларида лойиха ва қидирув-изланиш хизматларига эхтиёжларини қондириш хисобланади. Шу жумладан, миллий ва соҳага доир дастур асосларини ишлаб чиқилишида қатнашиш, тақсимловчи тармоқларнинг ривожини белгиловчи Давлат ҳужжатларини ишлаб чиқишда ва уларни амалга оширишда иштирок этиш.

3.3. Ўз фаолиятининг мақсадига эришиш учун Жамият қуйидаги фаолият турларини амалга оширади:

- темирйўл, ҳаво ва автомобиль транспорти объектларини, ишлаб чиқариш, турар жой-фуқаролик ва қишлоқ хўжалик мақсадли объектларни қуриш, кенгайтириш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ва капитал таъмирлаш учун мажмуавий лойиҳалаштириш ва муҳандислик-техник қидирув ишларини олиб бориш;
- меъморий-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш;
- автойўл ва темирйўл кўприклари, йўл ўтказгичлар ва тонелларни лойиҳалаштириш;
- топография-геодезия ва харитаграфия ишларини амалга ошириш;
- геология, гидрогеология ишларини амалга ошириш, шу жумладан фойдаланиш қудуқларини бурғилаш ва лойиҳалаштириш;
- инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосланишларини тузиш;
- қурилиш лойихаларини ва лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш;
- ёнғинга қарши автоматика, қўриқлаш, ёнғин ва қўриклаш-ёнғин автоматикаси воситаларини лойиҳалаштириш;
- темир йўлларнинг технологик алоқа ва электр таъминот магистрал тармоқларини лойиҳалаштириш;
- хорижий мамлакатлар билан алоқа қилиш;
- темирйўл станциялари ва шохобча йўлларининг ишлаш технологик жараёнларини, темирйўл транспорти объектларидан фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва бошқа техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш, фаолият кўрсатаётган темир йўллар ва темир йўл кириш йўлларини техник паспортлаштириш;
- атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва фаолиятни амалга ошириш;
- муаллифлик назоратини амалга ошириш;
- илмий-тадқиқот, маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
- аҳоли ва ташкилотларга транспорт-экспедиция хизматларини кўрсатиш;
- ўз ходимларини яқин ва узоқ хориж мамлакатларида ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ўқитиш ва малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;
- қимматли қоғозлар билан операциялар;
- мол-мулк, ускуналар, шу жумладан кўчмас мулкни сотиш ва ижарага бериш;

- Ўзбекистон Республикасида ва хорижда юридик ва жисмоний шахсларнинг манфаатларини ифодалаш;
- товарлар ва хизматларни экспорт ва реэкспорт қилиш операцияларини амалга ошириш;
- товарлар ва хизматларни импорт қилиш операцияларини амалга ошириш;
- илғор технологияларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- илмий-техник, конструкторлик, лойиҳавий ишланмаларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, уларни тайёрлашда техник ёрдам кўрсатиш;
- илмий тадқиқот, қидирув, лойиҳавий, тажрибавий ишларни ўтказиш;
- семинарлар, конференциялар, тақдимотлар, кўргазмалар, ярмаркалар, ким ошди савдолари ва сотиб тугатишларни, кўргазма-савдоларини ташкил қилиш ва ўтказиш;
- улгуржи савдо;
- автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникасига эхтиёт қисмлар билан савдо қилиш;
- автотранспортни таъмирлаш ва сервис техник хизматларини кўрсатиш;
- маиший хизматларни кўрсатиш;
- ташқи иқтисодий фаолият;
- молиявий ёрдам кўрсатиш, кредитлар, займлар, ссудаларни бериш, шу жумладан хайрия фаолиятини амалга ошириш;
- ҳисоблаш ва нусха кўчириш техникасига сервис техник хизматларини кўрсатиш;
- ностандарт ускуналарга ҳужжатларни ишлаб чиқиш;
- «НОУ-ХАУ» технологик тармоқларини сотиб олиш;
- инвестицион дастурларида иштирок этиш;
- инновацион, хомийлик, хўжалик-маиший, транспорт (юк ташиш) ишлари ва хизматлари;
- маркетинг ва реклама-ахборот фаолияти бўйича хизматлар, траст, брокерлик, дилерлик, дистрибьюторлик ва бошқа тижорат хизматларини кўрсатиш, шу жумладан Ўзбекистан Республикаси, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва хориж мамлакатлари юридик ва жисмоний шахсларининг ишончномаси асосида ишлаб чиқариш-хўжалик, тижорат ва молиявий фаолият соҳаларида амалга ошириладиган операциялар;
- хайрия фаолияти, махсус фондлар ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ишлаш, моддий-ташкилий ва бошқа ёрдам турларини кўрсатиш;
- Жамият Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан таъқиқиланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳуқуқли.

3.4. Махсус рухсатнома (лицензия) олишни талаб қиладиган фаолият турлари билан шуғулланиш, Жамият шундай махсус рухсатномани (лицензияни) олганидан кейин шуғулланишга ҳуқуқли бўлади.

4. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Ўз фаолиятини амалга ошириш ва олдида турган вазифаларни ечиш учун Жамият қуйидаги ҳуқуқларига эгадир:

- минтақалараро хамкорликни ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;
- Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ва хорижий мамлакатларнинг корхоналари ва ташкилотлари билан ўзаро фойдали хамкорликни ривожлантириш;
- ишлаб чиқарилган махсулот ва хизматларни келишилган нархлар ва тарифларга асосан сотиш;
- Республика ва ундан ташқари худудларда шуъба корхоналар, филиаллар, ваколатхоналар, қўшма корхоналар, ишлаб – чиқариш цехлари ва шахобчалари, хамда бошқа янги корхоналарни тузиш, таъсис қилиш ва тугатиш;
- ўқув марказлари билан келишилган холда малакали мутахассисларни тайёрлаш;
- қўшма фаолият шартномасига асосланиб Жамият ва унинг филиалларининг фаолиятига чет эл инвестицияларини жалб этиш (шу ҳолда олинган фойданинг тақсимоти шартномада белгиланади);

- Ўзбекистон Республикаси хамда ундан ташқари худудларда юридик ва жисмоний шахслар билан барча турдаги битимларни амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси худудида кўчар ва кўчмас мулкларни, мулкчилик хуқуқларни ва интеллектуал мулкини мулк қилиб сотиб олиш ва уларни ижарага бериш;
- уюшма, иттифоқ, консорциум, акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларига аъзо бўлиш;
- белгиланган тартибда банкларда турли, шунингдек валюта хисоб рақамларини очиш, банк кредитлари ва ссудаларини олиш, амалдаги қонунчилик асосида ҳар қандай тўлов шаклларини бериш ва акцептлаш, айирбошлаш (валюта алмаштириш) тартибига асосан ваколатли банклар орқали ўз маблағларини айрибошлаш;
- ўзининг ишлаб – чиқариш ва хўжалик фаолиятини хамда ижтимоий ривожлантириш жамғармаларини мустақил режалаштириш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги асосида мустақил равишда ўз қарамоғи (баланси) дан мол – мулк, қарз, камомад, фойдаланишга яроқсиз автотранспорт воситалари ва механизмларни шунингдек бошқа зиёнларини чиқариш;
- Жамият Устави томонидан белгиланган масалаларни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш – техник йўналишидаги маҳсулотлар, хом – ашё, материаллар, транспортни сотиб олиш;
- ким – ошди савдоларида, савдо, мусобақаларда қатнашиш;
- хомийлик ва хайрия фаолиятни амалга ошириш;
- қонунчиликка мувофиқ, ўз ходимлари учун маош, мукофот, қўшимча иш таътиллари, қисқартирилган иш куни, иш тартиби ва бошқа ижтимоий имтиёзларни ташкил этиш.

4.2. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар ошкор этилиши таъқиқланади.

4.3. Жамиятнинг мансабдор шахслари ва хизматчилари Жамиятнинг тижорат сирини ошкор қилганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

4.4. Жамиятнинг тижорат сири тоифасига киритилган ахборот билан Жамиятда ишлаш тартиби ва у билан ишлаш тартибини бузганлик учун жавобгарлик Жамият директори томонидан белгиланади.

5. ЖАМИЯТ УСТАВ ФОНДИНИНГ МИҚДОРИ, УНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

5.1. Жамиятнинг Устав фонди Акциядорлар томонидан сотиб олинган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим.

5.2. Жамиятнинг устав фонди унинг мол – мулкининг ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган даражадаги энг кам микдорини белгилайди.

5.3. Жамият устав фондининг миқдори 581 672 000 (беш юз саксон бир миллион олти юз етмиш икки минг) сўмни ташкил қилади ва номинал қиймати 56 000 (эллик олти минг) сўм бўлган 10 387 (ўн минг уч юз саксон етти) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

5.4. Бир дона акциянинг номинал қиймати 56 000 сўм.

а) Жамиятнинг Устав фондини кўпайтириш

5.5. Жамиятнинг Устав фонди акциялар номинал қийматини ошириш ёки қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

5.6. Жамиятнинг Устав фондини акциялар номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтириш ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қарор жамиятнинг Кузатув Кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.7. Қўшимча акциялар Жамият томонидан Жамият уставида белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

5.8. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан ёки бундай қарор қабул қилиш ҳуқуқи акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан Жамиятнинг кузатув кенгашига берилганда Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинади.

5.9. Қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий (одатдаги) акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддати ва шартлари белгиланган бўлиши лозим.

5.10. Жамиятнинг устав фондини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилиши керак.

5.11. Жамият устав фондини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига қўшимча равишда жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларининг сони номинал қиймати 56 000 (эллик олти минг) сўм бўлган 20 000 (йигирма минг) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялардан иборат.

5.12. Эълон қилинган акцияларнинг 2 866 (икки минг саккиз юз олтмиш олти) донаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Лойиҳа-тадқиқот ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 29 апрелдаги ПҚ-847 сонли қарорига мувофиқ Давлат улуши ҳисобига жойлаштирилади.

5.13. Эълон қилинган акциялар доираси қўшимча акцияларни муомилага чиқариш ва жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, мазкур акцияларнинг жойлаштириш тартиби, шартлари, муддати, сони ва бошқа шартлари Жамият ваколатли бошқарув органининг акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарори, эмиссия рисоласи, ушбу Устав ва бошқа тегишли хужжатлар билан белгиланади.

б) Жамиятнинг Устав фондини камайтириш

5.14. Жамиятнинг устав фонди акцияларнинг номинал қийматини ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини Жамиятнинг ўзи кейинчалик муомаладан чиқариш шарти билан сотиб олиши йўли билан камайтирилиши мумкин.

5.15. Жамиятнинг Устав фондини акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш ва муомаладан чиқариш орқали камайтиришга йўл қўйилади.

5.16. Агар Устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори жамиятнинг уставига киритилган тегишли ўзгартишларни рўйхатдан ўтказиш куни белгиланадиган жамият Устав фондининг энг кам миқдоридан қонун ҳужжатларида белгиланганидан камайиб кетадиган бўлса, жамият устав фондини камайтиришга ҳақли эмас.

5.17. Устав фондини камайтириш ва Жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

5.18. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилган вақтда акциядорларнинг умумий йиғилиши устав фондни камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

5.19. Устав фондини камайтириш вақтида жамият тугатилганида назарда тутиладиган акциядорларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш шартларига риоя этилиши зарур.

5.20. Жамият акциядорлар умумий йиғилишининг, жойлаштирилган акцияларнинг умумий сонини камайтириш мақсадида, шунингдек кейинчалик қайта сотиш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан Жамиятнинг устав

фондини камайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ ўзининг жойлаштирилган акцияларини сотиб олишга ҳақлидир.

5.21. Агар муомалада қолган акцияларнинг номинал қиймати устав фондининг қонунчиликда назарда тутилган энг кам миқдоридан камайиб кетадиган бўлса, жамият жойлаштирилган акцияларининг умумий сонини камайтириш мақсадида уларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

5.22. Акцияларни сотиб олиш тўғрисидаги қарорда сотиб олинадиган акцияларнинг турлари, Жамият сотиб оладиган ҳар бир турдаги акциянинг сони, сотиб олиш нархи, акциялар ҳақини тўлаш шакли ва муддати, шунингдек акциялар қанча муддатда сотиб олиниши белгилаб қўйилиши лозим.

5.23. Акцияларни сотиб олиш вақтида уларга акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ пул ва(ёки) тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) билан ҳақ тўланади. Акцияларни сотиб олиш муддати 30 кундан кам бўлмаслиги керак. Жамият томонидан оддий (одатдаги) акцияларни сотиб олиш нархи бозор баҳосига мувофиқ белгиланади.

5.24. Жамият тасарруфига ўтган акциялар овоз бериш ҳуқуқини бермайди, овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ҳисоблаб чиқарилмайди. Бундай акциялар Жамият тасарруфига ўтган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши керак, акс ҳолда, акциядорларнинг умумий йиғилиши Жамиятнинг устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

5.25. Устав фондини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинганидан бошлаб жамият кечи билан 30 кун ичида бу қарор хусусида ўз кредиторларини ёзма равишда хабардор қилади. Кредиторлар жамиятнинг Устав фондини камайтириш тўғрисида ўзларига хабарнома юборилган санадан эътиборан кечи билан 30 кун ичида жамиятдан ўз мажбуриятларини муддатидан олдин ижро этишни ва Устав фонди камайтирилиши билан боғлиқ зарарни тўлашни талаб қилишга ҳақли.

6. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИ ТУРЛАРИ, УЛАРНИНГ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ

6.1. Жамият акциялари эгасининг номи ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлар бўлиб, улар турига кўра оддий акциялардир. Акциялар мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асосида қайси юридик ёки жисмоний шахсга тегишли бўлса, ўша юридик ёхуд жисмоний шахс акциянинг эгаси – Жамият акциядори деб эътироф этилади.

6.2. Жамиятнинг оддий акциялар овоз берувчи бўлиб, уларнинг эгасига дивидендлар олиш, акциядорларнинг умумий йиғилишларида ва жамиятни бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқини беради.

6.3. Жамият акциясининг номинал қиймати 56 000 (эллик олти минг) сўм.

7. ЖАМИЯТ АКЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ

7.1. Жамият акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни очиқ ва ёпиқ обуна воситасида жойлаштиришга ҳақли.

7.2. Жамият оддий акцияларни жойлаштириши шарт.

7.3. Жамият томонидан акцияларни жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан бир йилдан ошмаслиги керак.

7.4. Жамиятнинг акциялари ҳужжатсиз (нақдсиз) шаклида чиқарилади.

7.5. Жамиятнинг жойлаштирилган акциялари эгасининг номи ёзилган оддий акциялардир.

7.6. Жамиятнинг акцияларини ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириши қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

7.7. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда пул ва тўловнинг бошқа воситалари, мол-мулк, технологик асбоб ускуналар,

технологиялар шунингдек пулда баҳоланадиган ҳуқуқлар (шу жумладан ашёвий ҳуқуқлар) воситасида амалга оширилади.

7.8. Жамият акцияларига ҳақ тўлаш бозор бахосида, лекин номинал қийматидан кам бўлмаган нархда амалга оширилади.

7.9. Жойлаштирилаётган акцияларнинг бозор қиймати амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда аниқланади.

7.10. Жамиятнинг акциялари уларнинг ҳақи тўлиқ тўланганидан кейин унинг эгасига берилади.

7.11. Акциянинг ҳақи тўлиқ тўлангунга ва унинг янги эгаси акциядорлар реестрида рўйхатга олингунга қадар акция овоз бериш ҳуқуқини бермайди.

7.12. Жамият қонун ҳужжатларига мувофиқ облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар жойлаштиришга ҳақли.

7.13. Жамият акциядорларининг сони чегараланмаган.

7.14. Жамият ўзи жойлаштирган қимматли қоғозлар эркин айирбошланиши мумкин бўлган акциялар берадиган ҳуқуқларни чеклаш ҳақида ушбу қимматли қоғозлар эгаларининг розилигисиз қарор қабул қилишга ҳақли эмас.

7.15. Жамият ўзи чиқарган акциялар бўйича уларни қайта сотиб олиш шарти билан битимлар тузишга, шунингдек ўзи чиқарган акцияларни ишончли бошқарувга беришга ҳақли эмас.

8. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8.1. Жамият акциядорларининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

- Жамиятнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
- ўзи ҳақида депозитарийдаги депо ҳисобварағидан кўчирма олиш;
- Жамият фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
- Жамият тугатилган тақдирда ўзларига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
- Жамиятни бошқаришда иштирок этиш;
- Жамиятнинг Уставига мувофиқ Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва тўғри ахборот олиш;
- олган дивидендини эркин тасарруф этиш;
- қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;
- қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчилари ва Жамиятнинг ўқувсиз ёки ғаразли хатти-ҳаракатлари туфайли кўрган зарарнинг тўланишини талаб қилиш;
- ўз манфаатларини ифодалаш ва химоя қилиш мақсадида уюшмалар ва бошқа жамоат ташкилотларига бирлашиш;
- қимматли қоғозлар сотиб олиш вақтида зарар кўриш ва (ёки) фойданинг бир қисмини йўқотиш эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни суғурталаш.

8.3. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўладилар.

8.4. Жамиятнинг ҳар бир оддий акцияси унинг эгаси бўлмиш акциядорга бир хил хажмда ҳуқуқлар беради.

8.5. Оддий акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ушбу уставга мувофиқ акциядорлар умумий йиғилишида мазкур йиғилиш ваколатига кирадиган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи билан иштирок этиши мумкин, шунингдек дивидендлар олиш, Жамият тугатилган тақдирда эса, Жамият мол-мулкининг бир қисмини олиш ҳуқуқини беради.

8.6. Акцияларга бўлган ҳуқуқлар акцияларни олувчига унинг депо ҳисобварағига тегишли кирим ёзуви белгиланган тартибда киритилган пайтдан эътиборан ўтади ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда депозитарий томонидан бериладиган депо ҳисобварағидан кўчирма билан тасдиқланади.

8.7. Акция билан тасдиқланадиган ҳуқуқлар уларнинг олувчисига ушбу қимматли қоғозга бўлган ҳуқуқлар ўтган пайтдан эътиборан ўтади.

8.8. Жамият акциядорларининг мажбуриятлари:

- мазкур Уставда кўрсатилган тартибда, миқдор ва усулларда акцияларнинг нархини тўлашга;
- Жамиятнинг махфий тусда бўлган ахборотларини ошкор қилмасликка;
- мазкур Уставда назарда тутилган чегераларда, Жамият бошқарув органларининг қарорларига бўйсунишга;
- корпоратив ҳаракатларни амалга ошириш Жамият акциядорларининг реестри асосида олиб борилиши туфайли, акциядорлар умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар олиш учун, акциядорлар ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизмат кўрсатувчи депозитарийни ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳақида ўз вақтида хабардор қилишга;
- акциядорлар умумий йиғилишида ўзининг овоз бериш бюллетенини имзолашга.

8.9. Акциядорлар мазкур Уставда ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўладилар.

9. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ, ДИВИДЕНДЛАРНИ ТАҚСИМЛАШ ВА ЗАРАРНИ ҚОПЛАШ ТАРТИБИ

9.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг, Жамият фондларига ажратмалар бажарилади. Тақсимланмаган фойда Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан белгиланган тартибда ишлатилади.

9.2. Жамиятнинг кўрган соф фойдаси ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан дивидендлар тўланади.

9.3. Дивиденд фойданинг солиқлар ва мажбурий тўловлар тўланганидан, қайта инвестициялар амалга оширилганидан, жамиятнинг резерв ва бошқа фондларига ажратмалар қилинганидан ва жамиятнинг бошқа умумий ихтиёжларига ажратилганидан кейин Жамият ихтиёрида қоладиган, акциядорлар ўртасида тақсимланиши керак бўлган қисми.

9.4. Жамият акциялар бўйича эълон қилинган дивидендларни тўлаши шарт.

9.5. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши қарорига биноан дивиденд пул маблағлари ёки бошқа қонуний тўлов воситалари билан тўланиши мумкин.

9.6. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.

9.7. Жамият йилнинг ҳар чорагида, ҳар ярим йилда ёки йилига бир марта жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга (эълон қилишга) ҳақлидир.

9.8. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивидендлар (йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги, йиллиги бўйича) тўлаш, дивиденднинг миқдори ҳамда уни тўлаш шакли тўғрисидаги қарор Кузатув кенгашининг тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендларнинг миқдори Кузатув кенгаши тавсия этган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.

9.9. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугайдиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

9.10. Йилнинг ҳар бир чораги, ярим йиллиги бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарор (эълон) тегишли давр тугаганидан сўнг икки ой ичида қабул қилиниши мумкин.

9.11. Агар дивидендлар тўлаш оқибатида акциядорлик жамиятининг молия-хўжалик аҳволи жиддий тарзда ёмонлашадиган бўлса, дивидендлар тўлаш тақиқланади.

9.12. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорларнинг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

9.13. Эгаси ёки унинг қонуний ҳуқуқий вориси ёхуд меросхўри даъво қилиш учун белгиланган муддатда талаб қилиб олмаган дивиденд акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига биноан Жамият ихтиёрида қолади.

9.14. Дивидендларни эълон қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар дивиденд олиш ҳуқуқига эга.

9.15. Жамият қуйидаги ҳолларда дивидендларни тўлаш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

- устав фондини ҳаммаси тўлаб бўлингунча;
- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда тўловга қобилиятсизлик (Банкротлик) белгилари бўлса ёки дивидендлар тўлаш натижасида Жамиятда шундай белгилар пайдо бўлса;
- соф активларининг қиймати унинг устав фонди ва захира фондлари суммасидан кам бўлса ёки дивидендни тўлаши оқибатида камайиб кетиши мумкин бўлса.

9.16. Жамият дивидендлар миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади.

9.17. Дивидендларни тўлаш тартиби ва меъёрлари Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

10. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ФОНДИНИ ВА БОШҚА ФОНДЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

10.1. Жамият соф фойдаси хисобидан:

- Захира Фондини;
- Акциядорларнинг Умумий йиғилишида аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа Жамғармаларни тузади.

10.2. Жамиятнинг захира фонди кўрилган зарарни қоплаш, жамият облигацияларини муомаладан чиқариш ва Қонунчиликка мувофиқ акцияларни сотиб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг талабига биноан акцияларни сотиб олиш учун мўлжалланади.

10.3. Захира фондидан бошқа мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас.

10.4. Жамият Устав фондининг 15 (ўн беш) фоизи миқдордан кам бўлмаган миқдорда жамият захира фонди тузилади.

10.5. Жамият захира Фондига ушбу Уставнинг 10.4. бандида белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдоридан кам бўлмаган ажратмалар ўтказади.

10.6. Захира Фонди тўлалигича ёки қисман сарфланиб бўлган ҳолларида, мажбурий ажратмалардан тикланади.

10.7. Жамият соф активларининг қиймати бухгалтерия ҳисоб-китоб маълумотлари бўйича белгиланган тартибда баҳоланади.

11. ЖАМИЯТНИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ

11.1. Жамиятни бошқариш органларига қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг Умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи.

12. ЖАМИЯТ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ

12.1. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши Жамиятни бошқаришнинг олий органидир.

12.2. Жамият акциядорларининг йиллик Умумий йиғилиши ҳар йили молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

12.3. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишида Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясини сайлаш тўғрисидаги, Жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органи билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш (шартномани қайта тузиш ёки уни тугатиш (бекор қилиш) мумкинлиги тўғрисидаги,

аудиторлик текшируви ўтказиш ҳақида қарор қабул қилиш тўғрисидаги масалалар, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш масалалари ҳал этилади, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар кўриб чиқилади.

12.4. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишидан ташқари ўтказиладиган умумий йиғилишлари навбатдан ташқари йиғилиш ҳисобланади.

12.5. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган сана ва уни ўтказиш тартиби, йиғилиш ўтказилиши ҳақида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материаллар (ахборотлар) рўйхатини жамиятнинг Кузатув кенгаши белгилайди.

12.6. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг устав фондини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш;
- Жамиятнинг устав фондини камайтириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- Жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- Жамият ижроия органини тузиш (сайлаш, тайинлаш, ёллаш ва ҳоказо), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- Жамият Ижроия органи аъзоларининг сони ва шахсий таркибини белгилаш;
- аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг йиллик ҳисоботларини, бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисобварағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тақсимлаш;
- Жамият Кузатув кенгашининг ўз ваколатига киradиган масалаларга доир, шу жумладан, жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш;
- акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида қарорни қабул қилиш;
- Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;
- тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;
- битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш;
- Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсация миқдорини белгилаш;
- амалдаги қонунчилик ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

12.7. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун жамият ижроия органига берилиши мумкин эмас.

12.8. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига киритилган масалалар Жамиятнинг кузатув Кенгаши томонидан ҳал этилмайди, амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Жамият устав фондини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли

билан кўпайтириш билан боғлиқ Жамият уставига тегишли ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари дорасидагина жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш, хамда Жамият ижроия органи ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

12.9. Овозга қўйилган масала бўйича акциядорлар Умумий йиғилишининг қарори, агар Қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда бошқача қоида белгиланмаган бўлса, йиғилишда иштирок этаётган Жамият овоз берувчи акциялари эгаси бўлмиш акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.10. Мазкур Уставнинг 12.6. бандидаги қуйидаги масалалари бўйича:

- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;
- Жамиятни қайта ташкил этиш;
- Жамиятни тугатиш, тугатувчини тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- тузилишидан манфаатдорлик бўлган битимларни қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда битимлар тузиш;
- битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада Жамият активлари баланс қийматининг 50 фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш акциядорлар Умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик овози билан қабул қилинади.

12.11. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилишга, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритишга ҳақли эмас.

12.12. Акциядорлар Умумий йиғилишида қабул қилинган қарорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорлар эътиборига ана шу қарорлар қабул қилинган санадан эътиборан 45 кундан ошмаслиги керак.

12.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ҳуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган расмий эълон қилинган санадан 3 календар кун олдин шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.

12.14. Акциядорнинг талабига биноан Жамият акциядорга акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш учун шакллантирилган Жамият акциядорлари реестрига киритилганлиги тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши шарт.

12.15. Жамият акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиришлар мазкур реестр тузилган санада унга киритилмай қолган шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланган ёки реестрни тузишда йўл қўйилган хатолар тузатилган тақдирдагина қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритилиши мумкин.

12.16. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш тегишли ахборотни матбуотда эълон қилиш ҳамда акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши расмий эълон қилинган санадан 30 календар кун олдин шакллантирилган Жамият акциядорлари реестри асосида уларга билдиришнома юбориш орқали амалга оширилади.

12.17. Жамият акциядорга билдиришномани мустақил равишда ёхуд Жамият ва қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси ўртасида тегишли хизматлар кўрсатилиши учун тузиладиган шартномага мувофиқ қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси орқали юборишга ҳақли.

12.18. Жамият акциядорларига акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги билдиришнома йиғилиш ўтказиладиган санадан камида 10 календар кун олдин юборилади.

12.19. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг номи ва жойлашган ери (почта манзили);
- Умумий йиғилиш ўтказиладиган сана, вақт ва жой;
- Жамият акциядорлари реестри тузиладиган сана;
- Умумий йиғилишнинг кун тартибига киритилган масалалар;
- Умумий йиғилишни ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

12.20. Акциядорларнинг Умумий йиғилишини ўтказишга тайёргарлик кўришда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Жамиятнинг йиллик ҳисоботи, Жамиятнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Жамият тафтиш комиссиясининг (тафтишчисининг) ва аудиторлик ташкилотининг хулосаси, Жамият Кузатув кенгашининг директор билан тузилган шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш, шартномани қайта тузиш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида хулосаси, Жамият Кузатув кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига (тафтишчилигига) номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, Жамият уставига киритиладиган ўзгартишлар ва қўшимчалар лойиҳаси ёхуд Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси киради.

12.21. Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эга бўлган Жамият акциядорлари (акциядори) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин узоғи билан 30 кун ичида акциядорларнинг йиллик Умумий йиғилиши кун тартибига масалалар киритишга ҳамда Жамият Кузатув кенгаши ва Жамият тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) бу органнинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

12.22. Акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибига масала уни қўйиш сабабларини, масалани таклиф этаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) номини, унга тегишли акцияларнинг сони ва турини кўрсатган ҳолда ёзма равишда киритилади.

12.23. Жамият Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш, шу жумладан ўзининг номзодини кўрсатиш тўғрисида таклиф киритилганда номзоднинг исми, башарти номзод Жамият акциядори бўлса, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури, шунингдек номзодни кўрсатган акциядорларнинг исми, уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

12.24. Аниқ масала қўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, "турли масалалар", "бошқа масалалар", "ўзга масалалар" ва ҳоказоларнинг) акциядорларнинг умумий йиғилиши кун тартибига киритилишига йўл қўйилмайди.

12.25. Акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 30 кундан кам ва 45 кундан кўп белгиланиши мумкин эмас.

12.26. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши Жамият Кузатув кенгашининг қарори билан унинг ўз ташаббусига биноан, Жамият тафтиш комиссияси талабига кўра, шунингдек талаб тақдим этилган санада Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талаби билан ўтказилади.

12.27. Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақиришни Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш ҳақидаги талаб тақдим этилган пайтдан эътиборан узоғи билан 45 кун ичида амалга оширади.

12.28. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талабда йиғилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиш сабабини кўрсатган ҳолда таърифлаб берилмоғи лозим.

12.29. Жамият Кузатув кенгаши Жамият тафтиш комиссиясининг ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан чақириладиган акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгартишлар киритишга ҳақли эмас.

12.30. Акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш талаби акциядордан (акциядорлардан) чиққан тақдирда бу талабда Умумий йиғилишни чақиришни талаб қилаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми (номи), унга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган бўлиши лозим.

12.31. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш талабномаси акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни талаб қилган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

12.32. Жамият тафтиш комиссияси ёки Жамиятнинг овоз берувчи акцияларининг камида ўн фоизига эга бўлган акциядор (акциядорлар) навбатдан ташқари Умумий йиғилишни чақириш тўғрисида талабнома тақдим этган санадан бошлаб 10 кун ичида Жамият Кузатув кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташқари Умумий йиғилишини чақириш тўғрисида ёки йиғилишни чақиришни рад этиш ҳақида қарор қабул қилади.

12.33. Агар акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тамом бўлган пайтга келиб, Жамиятнинг тарқатилган ва жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворум тўплаган) ҳисобланади.

12.34. Акциядорлар Умумий йиғилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг янги Умумий йиғилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг янги Умумий йиғилишини ўтказишда кун тартибига ўзгартишлар киритишга йўл қўйилмайди.

12.35. Ўтказилмай қолган йиғилиш ўрнига акциядорларнинг янги чақирилган Умумий йиғилишида иштирок этувчиларни рўйхатга олиш тугаган пайтга келиб, Жамиятнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами олтмиш фоиздан кам бўлмаган овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатга олинган бўлса, бу умумий йиғилиш ваколатли ҳисобланади.

12.36. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси 20 кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай қолган умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофиқ аниқланади.

12.37. Акциядорларнинг Умумий йиғилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Жамиятнинг Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади. Овоз бериш бюллетени Умумий йиғилишда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

12.38. Овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг Умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият Кузатув кенгаши томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

12.39. Акциядорларнинг Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади.

12.40. Акциядор акциядорларнинг Умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.

12.41. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг Умумий йиғилишида ёзма ишончнома асосида иш кўради. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (исми ёки номи, турар жойи ёки жойлашган манзили, паспорт маълумотлари) акс эттирилган бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан бериладиган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилади.

12.42. Акциядорлар Умумий йиғилишининг баённомаси акциядорлар Умумий йиғилиши ёпилганидан кейин кечи билан 15 кун ичида икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам Умумий йиғилишда раислик қилувчи ва Умумий йиғилиш котиби томонидан имзоланади.

13. ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

13.1. Жамият Кузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, Акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига тааллуқли масалалар бундан мустасно.

13.2. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- Жамият акциядорларининг йиллик ва навбатдан ташқари Умумий йиғилишларини чақириш, амалдаги қонунчиликда ва ушбу Уставда назарда тутилган холлар бундан мустасно;
- акциядорлар Умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш;
- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказиладиган санани белгилаш;
- акциядорларнинг Умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун ва Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилиши учун Жамият акциядорлари реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- Жамият уставига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, аудиторлик текшируви ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этишни акциядорларнинг Умумий йиғилишига киритиш;
- акцияларнинг номинал қийматини кўпайтириш орқали Жамият устав фондини кўпайтириш ва тегишли ўзгартиришларни Жамият уставига киритиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
- агар акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан кузатув кенгашига шундай ҳуқуқ берилган бўлса, эълон қилинган акцияларнинг сони ва турлари дорасидагина жамият томонидан қўшимча акцияларни жойлаштириш орқали Жамият устав фондини кўпайтириш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш;
- эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорни тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- эмиссия рисоласи ва акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорга ўзгартириш ва қўшимча киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- эмиссиявий қимматли қоғозларни жойлаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамият томонидан жойлаштирилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;
- жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 01 декабридан кечиктирмай маъқулланиши лозим;
- корпоратив маслаҳатчини тайинлаш;
- Жамиятнинг ички аудит хизматини ташкил этиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ички аудит ҳизмати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш;

- Жамият тафтиш комиссияси аъзоларига (тафтишчисига) тўланадиган ҳақ ва компенсация миқдори юзасидан ҳамда аудиторлик ташкилотининг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилашга доир тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;
- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатдан эркин фойдаланиш ва ижроия органидан Жамият Кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Олинган ҳужжатлардан Жамият Кузатув кенгаши ва унинг аъзолари фақат хизмат мақсадларида фойдаланишлари мумкин;
- Жамият акциядорлар умумий йиғилишига Ижроия органи рахбари (директор) лавозимига номзодни тавсия бериш;
- Жамият номидан Ижроия органи рахбарини ёллаш тўғрисида меҳнат шартномаси тузиш;
- акциялар бўйича дивидендлар миқдори ва уларни тўлаш тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- Жамиятнинг захира ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- Жамиятнинг ижроия органи фаолиятининг тартибини белгилаб берувчи ҳужжатларни тасдиқлаш;
- Жамиятнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда ваколатхоналарини очиш ва тугатиш;
- Жамиятнинг шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш;
- ўз ваколати доирасида мол-мулкни сотиб олиш ва мол-мулкни бошқа шахсга ўтказиш билан боғлиқ йирик битимлар (умумий қиймати қарор қабул қилинган санада Жамият активларининг 25 фоизидан 50 фоизгача ташкил этадиган битимлар ёки ўзаро боғлик бир қанча битимлар) тузиш (йирик битим тузиш масаласида Жамият Кузатув кенгашининг якдиллигига эришилмаган ҳолларда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала Жамият Кузатув кенгаши қарорига мувофиқ Акциядорлар умумий йиғилиши ҳукмига ҳавола этилиши мумкин);
- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда содир этилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузиш;
- Жамиятнинг бошқа хўжалик жамиятларидаги иштироки билан боғлиқ битимлар тузиш;
- Жамият облигациялари ва бошқа қарз мажбуриятларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- ушбу Устав ва амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамият Кузатув кенгаши ваколатларига киритилган бошқа масалаларни ҳам ҳал этиш.

13.3. Жамият Кузатув кенгаши ўз ишини амалдаги қонунчилик, ушбу устав ва Акциядорлар умумий йигилишида тасдиқланган “Кузатув Кенгаши тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширади.

13.4. Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият Ижроия органига ўтказилиши мумкин эмас.

13.5. Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устав асосида акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан бир йиллик муддатга сайланадилар. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) киши микдорда сайланади.

13.6. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган шахсларнинг қайта сайланишлари чекланмайди.

13.7. Жамият яккабошчилик асосидаги ижроия органининг аъзолари (директори) Жамият Кузатув кенгашига сайланишлари, тайинланишлари мумкин эмас.

13.8. Жамиятда меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар Жамият Кузатув кенгашининг аъзолари бўлиши мумкин эмас.

13.9. Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланадиган шахсларга нисбатан қўйиладиган талаблар акциядорлар Умумий йиғилишида тасдиқланган “Жамият Кузатув кенгаши туғрисидаги Низоми”да белгилаб қўйилади.

13.10. Жамиятнинг Кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.
13.11. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони Жамиятнинг Кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига кўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни битта номзодга тўлиқ беришга ёки уларни икки ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақлидир.
13.12. Энг кўп овоз тўплаган номзодлар Жамият Кузатув кенгаши таркибига сайланган деб ҳисобланади.
13.13. Жамият Кузатув кенгашининг раиси Кузатув кенгаш аъзолари томонидан уларнинг ўзлари орасидан Жамият Кузатув кенгаши аъзолари умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан сайланади.
13.14. Жамият Кузатув кенгаши ўз раисини жами аъзоларининг кўпчилик овози билан қайта сайлашга ҳақлидир.
13.15. Жамият кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қилади, мажлисда баённома юритилишини ташкил этади ва акциядорлар умумий йиғилишларида раислик қилади.
13.16. Жамият Кузатув кенгаши Раиси йўқ бўлган ҳолларда унинг вазифасини Кузатув кенгаш аъзоларидан бири бажариб туради.
13.17. Жамият Кузатув кенгаши мажлислари унинг Раиси томонидан ҳар чоракда камида бир марта чақирилади. Жамият Кузатув кенгашининг навбатдан ташқари мажлислари Кузатув кенгаш Раисининг ташаббуси билан ёки қўйидагилар талабига кўра чақирилади:

- Кузатув кенгаш аъзоларининг;
- тафтиш комиссиясининг;
- Жамият директорининг;
- ички аудит ҳизмати бошлиғининг;
- корпоратив маслаҳатчининг;
- амалдаги қонунчиликда ва мазкур Уставда кўрсатилган бошқа ҳолларда.

13.18. Жамият Кузатув кенгашининг қарори Кузатув кенгашга сайланган аъзоларнинг камида етмиш беш фоизи иштирок этганида қонуний ҳисобланади.
13.19. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият Кузатув кенгаши мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Кузатув кенгашнинг ҳар бир аъзоси битта овозга эга.
13.20. Мазкур Уставнинг 5.6. ва 5.8. бандларида ва 13.2. бандининг 28 хатбошисида кўрсатилган масалалар бўйича қарор Жамият Кузатув кенгаши томонидан бир овоздан (якдиллик билан) қабул қилинади.
13.21. Жамият Кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Кузатув кенгашнинг бошқа аъзосига беришга ҳақли эмас.
13.22. Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган ҳолда, Жамият Кузатув кенгаши Раисининг овози ҳал этувчи ҳисобланади.
13.23. Жамият Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади ва у мажлис ўтказилганидан сўнг 10 кундан кечиктирмай тузилади. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган жой ва вақт;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

13.24. Жамият Кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлиснинг баённомаси тўғрилиги учун жавобгардир.

13.25. Жамият Кузатув кенгаши қарорлари билан Жамият акциядорлари таништирилиши мумкин. Жамият акциядорлари Жамиятнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлари билан ҳам танишишлари мумкин.

13.26. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган даврда мукофот (бадал) тўланиши ва кузатув кенгашининг аъзоси вазифасини бажариш билан боғлиқ харажатлари қопланиши мумкин. Бундай мукофот (бадал) ва компенсация тўловларнинг миқдори акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгилаб қўйилади.

13.27. Кузатув кенгаши аъзолари ўзларининг лавозим мажбуриятларини ҳалол, шунингдек Жамият манфаатлари йўлида улар энг яхши деб ҳисоблайдиган усул билан амалга оширишга мажбурдирлар.

13.28. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутишлари лозим.

13.29. Жамият Кузатув кенгаши аъзолари Жамият ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.

13.30. Кузатув кенгаш мажлисида овоз беришда қатнашмаган ёки Жамиятга зарар етказишга олиб келган қарор учун қарши овоз берган Жамият Кузатув кенгаши аъзолари жавобгарликдан озод қилинадилар.

14. ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

14.1. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) томонидан амалга оширилади.

14.2. Жамият директори Жамиятнинг яккабошчилик асосидаги ижро этувчи органи ҳисобланиб, унинг кундалик фаолиятини бошқаради ва оператив раҳбарликни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Жамият Устави, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашининг қарорларига мувофиқ амалга оширади.

14.3. Жамият директори акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгашига ҳисобот беради.

14.4. Жамият директори жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тайинланади ва у билан меҳнат шартномасини Жамият номидан Жамият Кузатув кенгаши раиси имзолайди.

14.5. Жамият ходимлари мазкур Уставга ва амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият директори билан меҳнат шартномасини тузадилар.

14.6. Жамият ижроия органининг ваколатларига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, акциядорлар Умумий йиғилишининг мутлақ ваколатларига ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

14.7. Жамият директори Жамият Устави ва “Ижроия органи тўғрисида”ги Низом асосида иш олиб боради.

14.8. Жамият директорининг ваколатларига қўйидагилар киради:

- Устав ва Жамият Кузатув кенгаши томонидан ўзига берилган ваколатларга мувофиқ Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;
- Жамият Кузатув кенгашининг розилигига кўра унинг ишида маслаҳат овози билан иштирок этади;
- Жамият номидан ишончномасиз иш юритади, давлат муассасалари, барча мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотларда унинг манфаатларини ҳимоя қилади;
- Банкларда ҳисоб рақамлар шу жумладан валюта ҳисоб рақамларини очади ва Жамиятнинг банк ва бошқа молия хужжатларида биринчи имзо ваколатига эга бўлади.
- Жамият мижозлари ва бошқа корхона ва ташкилотлар билан шартномалар ва контрактларни имзолайди ва битимлар тузади;
- ўз ваколатлари доирасида жамиятнинг мол –мулки ва пул маблағларини тассаруф этиш;

- Штатларни белгилайди, ходимларнинг штат рўйҳатини тасдиқлайди, Жамият ходимларини ишга қабул қилади, улар билан меҳнат шартномаларини тузади ва бекор қилади, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қуллайди, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомини сақлаб туришини таъминлайди;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмалар тўғрисидаги низомлар, ходимларнинг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;
- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни беради;
- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- Жамиятнинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлайди, акциядорлар Умумий йиғилишининг ёки Жамият Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно;
- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилади, акциядорлар Умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашнинг мутлақ ваколатига киритилган масалалардан ташқари;
- Акциядорлар Умумий йиғилиши ва Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкил этиш;
- Жамиятнинг таркибий бўлинмаларининг ўзаро самарали ҳаракатини таъминлайди;
- Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан тасдиқланган бизнес-режада кўрсатилган миқдорларда фойда олишни таъминлайди;
- Жамиятни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилади, уларни ташкил этади ва бажарилишини назорат қилади;
- Жамиятнинг фаолиятида қонун ҳужжатлари талабларига риоя қилинишини таъминлайди;
- Амалдаги қонунчиликка мувофиқ Жамиятда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботининг ташкил этилиши, зарур ҳолати ва ишончлилигини, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлайди;
- Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар Жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси ёки Жамият аудитори талабига кўра тақдим этади;
- давлат статистика ҳисоботи ва бухгалтерия хисоботини тегишли органларга тўлиқ ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминлайди;
- Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақлаш, агар бундай ахборотни учинчи шахсларга бериш унинг вазифалари доирасига кирмаса. Жамиятнинг тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхати Жамият директори томонидан белгиланади;
- хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотнинг Жамият ходимлари томонидан сақланишини таъминлайди;
- Жамиятни малакали кадрлар билан таъминлайди, Жамият ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилиятларидан энг яхши фойдаланиш чораларини кўради;
- Жамият ходимларининг ижтимоий кафолатларига риоя қилинишини ва улар меҳнатини муҳофаза қилишини таъминлайди;
- ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг Умумий йиғилишига ва Жамият Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этади;
- Жамият акциядорларининг Умумий йиғилишида қатнашиш, дивидендлар ҳисобланиши ва тўланиши бўйича акциядорларнинг барча ҳуқуқларига риоя қилади;
- Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчиликка ва бошқа қонун ости ҳужжатларига, ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилади.

14.9. Жамият диектори ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз бурчларини бажаришда жамият манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим.

14.10. Жамият директори қонун ҳужжатларига ва ушбу уставга мувофиқ жамият олдида жавобгардир.

14.11. Директор томонидан ушбу Устав ва шартнома шартлари кўпол равишда бузилса, ёхуд Жамият бизнес-режасининг тасдиқланган кўрсатгичларни бажарилиши бузилган ҳолларда; унинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) орқали жамиятга келтирилган зарарлари сабабли у билан тузилган шартнома Жамият кузатув кенгаши томонидан муддатидан илгари бекор қилиниши мумкин.

14.12. Директор ваколатлари муддатидан илгари тўгатилган ҳолда навбатдаги акциядорларнинг умумий йиғилишига қадар унинг вазифасини вақтинча бажаришни Жамият Кузатув кенгашининг қарорига мувофиқ белгиланадиган шахс олиб бориши мумкин.

15. ЖАМИЯТНИНГ МОЛИЯ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ

а) Тафтиш комиссияси

15.1. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун акциядорларнинг умумий йиғилиши 3 (уч) кишидан иборат тафтиш комиссиясини сайлайди.

15.2. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари амалдаги қонунчилик ва мазкур Устави билан белгиланади.

15.3. Жамият тафтиш комиссияси фаолиятининг тартиби акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тасдиқланадиган “Тафтиш комиссияси тўғрисида”ги низомда белгилаб қўйилади.

15.4. Жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) бир йиллик ёки бошқа давр ичидаги фаолият якунлари бўйича тафтиш комиссиясининг ташаббусига биноан, акциядорлар умумий йиғилишининг, кузатув кенгашининг қарорига ёки жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида ўн фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига биноан амалга оширилади.

15.5. Жамият тафтиш комиссиясининг талабига биноан жамиятнинг Бошқарув органларидаги мансабдор шахслар молия-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатларни тафтиш комиссиясига тақдим этишлари шарт.

15.6. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

15.7. Жамиятнинг тафтиш комиссияси амалдаги қонунчиликга мувофиқ акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши чақирилишини талаб қилишга ҳақли.

15.8. Жамият тафтиш комиссиясининг аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кузатув кенгашининг аъзоси бўлишлари, шунингдек жамиятнинг бошқарув органларида бошқа лавозимларни эгаллашлари мумкин эмас.

15.9. Жамият кузатув кенгашининг аъзоларига ёки бошқарув органларидаги мансабдор шахсларга қарашли акциялар жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш чоғида овоз беришда иштирок этиши мумкин эмас.

б) Ички аудит хизмати

15.10. Жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир. Ички аудит хизмати аъзоларининг сони ва шахсий таркиби амалдаги қонунчилик билан белгиланган тартибда ташкил этилади.

15.11. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, шуъба корхоналари, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган

талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

15.12. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади.

в) Аудиторлик ташкилоти

15.13. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширади ва унга аудиторлик хулосаси тақдим этади.

15.14. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва молияга доир бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри якун баён этилган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун жамият олдида жавобгар бўлади.

16. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

16.1. Жамиятда корпоратив маслаҳатчи лавозими жорий этилади.

16.2. Корпоратив маслаҳатчи Жамият кузатув кенгаши томонидан тайинланади.

16.3. Корпоратив маслаҳатчи, Жамият ва унинг акциядорлари хамда инвесторлар билан ўзаро муносабатларини мувофиқлаштирувчи шахс хисобланади. Жамиятнинг корпоратив бошқарув бўйича маслахатчи вазифасини бажаради.

16.4. Корпоратив маслахатчининг иш фаолияти ва батафсил вазифалари Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқлаган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги низом билан белгиланади.

17. ЖАМИЯТНИНГ ҲИСОБИ ВА ҲИСОБОТИ, ЙИЛЛИК ҲИСОБОТЛАРНИ ТУЗИШ, ТЕКШИРИШ ВА ТАСДИҚЛАШ ТАРТИБИ

17.1. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоб-китобини юритиши ва молия ҳисоботини тақдим этиши шарт.

17.2. Жамиятда бухгалтерия ҳисоб-китобини ташкил этиш, унинг ҳолати ва тўғри юритилиши, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молия ҳисоботлари, шунингдек акциядорлар, кредиторлар ва оммавий ахборот воситаларига жамият фаолиятига доир маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ ижроия органи зиммасида бўлади.

17.3. Жамият акциядорларининг умумий ҳисобот йиғилишида Жамиятнинг йиллик ҳисоботи кўриб чиқилади.

17.4. Жамиятнинг ҳар йилги йиллик ҳисоботини тузиш, Кузатув кенгашига, акциядорлар умумий йиғилишига, тегишли давлат органларига ўз вақтида тақдим этиш, шунингдек оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш учун жавобгарлик Жамият ижроия органи зиммасида бўлади.

17.5. Жамиятнинг йиллик ҳисоботида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- Жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган номи, унинг жойлашган ери (почта манзили), банк реквизитлари, рўйхатдан ўтказувчи орган, давлат статистикаси ва солиқ хизмати органлари томонидан берилган рўйхатдан ўтказиш ва идентификация рақамлари;
- ўтган йилдаги хўжалик фаолияти натижалари ҳақидаги ахборот;
- мансабдор шахсларнинг шахсий таркибидаги ўзгаришларнинг асослари;
- тегишли йил юзасидан бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот;
- аудиторлик ташкилоти хулосасининг нусхаси;
- қўшимча чиқарилган қимматли қоғозлар ҳақидаги асосий маълумотлар;
- ҳисобот йилида эмитентнинг фаолиятидаги муҳим фактлар.

17.6. Жамиятнинг акциядорлар умумий йиғилишига тақдим этадиган йиллик ҳисоботидаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зарарлар ҳисобварағидаги маълумотларнинг тўғри эканлиги жамиятнинг тафтиш комиссияси томонидан тасдиқланиши лозим.

17.7. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатларни матбуотда эълон қилишдан олдин жамият йиллик молия ҳисоботини ҳар йилги текшириш ва тасдиқлаш учун жамият ёки акциядорлар билан мулкий манфаатлар негизида боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилотини жалб этиши шарт.

17.8. Жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 30 кун олдин кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланиши лозим.

17.9. Жамиятнинг молия йили 01 январдан бошланади ва 31 декабрда тугайди.

18. ЖАМИЯТНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ

18.1. Жамиятни қайта ташкил этиш (жумладан: қўшиш, бирлаштириш, бўлиш, ажратиш, ўзгартириш ва ҳ.к.) ва тугатиш акциядорлар умумий йиғилишининг қарори асосида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилиги билан белгиланган ҳолларда ва тартибда амалга оширилади.

18.2. Жамиятни қайта ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 49 – 52 моддалари, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 95 – 100 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

18.3. Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар - овоз берувчи акциялар эгаларининг тўртдан уч қисм овози берилган ҳолда қабул қилинади.

18.4. Акциядорлар умумий йиғилиши томонидан Жамиятни қайта ташкил этиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин, Жамият 30 кундан кеч бўлмаган муддатда ёзма равишда ҳабар қилиш ва марказий газеталарда тегишли эълон бериш йўли билан ўз кредиторларини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

18.5. Кредиторлар жамиятдан мажбуриятларни тўхтатиш ёки муддатидан илгари бажаришни ҳамда зарарнинг ўрнини қоплашни қуйидаги муддатларда ёзма равишда хабар бериш йўли билан талаб қилишга ҳақлидир:

- қўшиб юбориш, бирлаштириш ёки қайта тузиш тарзида қайта ташкил этиш ҳақидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 30 кун ичида;
- бўлиш ёки ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этиш тўғрисидаги хабарни жамият кредиторга юборган санадан бошлаб узоғи билан 60 кун ичида.

18.6. Ўз фаолиятини тугатган икки ёки бир неча жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўтказиш йўли билан янги Жамиятни вужудга келтириш Жамиятни қўшиб юборилиши деб ҳисобланади.

18.7. Жамиятни қайта ташкил этиш қўшиб юбориш шаклида амалга оширилса, қўшиб юбориш ҳақида шартнома тузилади. Унда қўшиб юбориш тартиби ва шартлари, шунингдек, ҳар бир жамият акцияларини янги жамият акцияларига айирбошлаш тартиби белгиланади. Қўшилишда иштирок этаётган ҳар бир Жамият Кузатув кенгаши қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномани ва топшириш далолатномасини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига қўяди.

18.8. Янги ташкил этилаётган Жамиятнинг уставини тасдиқлаш ва Кузатув Кенгашини сайлаш қўшиб юборишда иштирок этаётган Жамиятлар акциядорларининг умумий қўшма йиғилишида амалга оширилиб, бу йиғилиш таъсис мажлиси ҳисобланади. Акциядорлар умумий қўшма мажлисида овоз бериш тартиби Жамиятларни қўшиб юбориш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Жамиятлар қўшиб юборилганда ҳар бир Жамиятнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ янги ташкил этилган Жамиятга ўтади.

18.9. Бир ёки бир нечта Жамият фаолиятини тугатилиб, уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини бошқа Жамиятга ўтказиш-Жамиятни бирлаштириш деб ҳисобланади.

18.10. Жамиятни қайта ташкил этиш бирлаштириш шаклида амалга оширилса, бирлаштирилаётган Жамият ва у бирлашаётган Жамият бирлашиш тўғрисида шартнома тузадилар. Унда бирлаштириш тартиби ва шартлари, шунингдек бирлаштирилаётган Жамият акцияларини бирлаштириш амалга оширилаётган Жамият акцияларига айирбошлаш тартиби белгиланади. Ҳар бир Жамият Кузатув кенгаши бирлаштиришда иштирок этаётган Жамиятлар акциядорлари умумий йиғилиши муҳокамасига бирлаштириш шаклида Жамиятни қайта ташкил этиш ва бирлаштириш тўғрисидаги шартномани тасдиқлаш масаласини қўяди. Бирлаштирилаётган Жамият Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилишига топшириш далолатномасини тасдиқлаш масаласини ҳам киритади.

Қайд этилган Жамиятлар акциядорларининг қўшма умумий йиғилиши уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида қарор қабул қилади ва янги кузатув кенгашини сайлайди. Акциядорлар умумий қўшма йиғилишида овоз бериш тартиби бирлаштириш тўғрисидаги шартномада белгиланади.

Бирлаштирилаётган Жамиятнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш далолатномасига мувофиқ бирлаштираётган Жамиятга ўтади.

18.11. Жамият фаолиятини тўхтатиб, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини янги тузилаётган Жамиятларга ўтказиш-Жамиятни бўлиш деб ҳисобланади.

18.12. Жамият бўлиш тарзида қайта ташкил этилаётган тақдирда, Жамиятнинг Кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига Жамиятни бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари, янги Жамиятларни ташкил этиш ва қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини янги ташкил этилаётган Жамиятлар акцияларига айирбошлаш масаласини қўяди.

Бўлиш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорлари умумий йиғилиши бўлиш шаклида қайта ташкил этиш, янги Жамиятларни ташкил этиш, қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини янги ташкил этилаётган Жамият акцияларига айирбошлаш тўғрисида қарор қабул қилади.

Бўлиш натижасида юзага келадиган ҳар бир Жамият акциядорлари таъсис мажлиси Жамият уставини тасдиқлайди ва Кузатув кенгашини сайлайди.

Жамият бўлинганда унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлиниш балансига мувофиқ янги ташкил этилган икки ёки бир неча Жамиятларга берилади.

18.13. Қайта ташкил этилаётган Жамиятнинг фаолиятини тўхтатмаган ҳолда, унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларининг бир қисмини ўтказиб бир ёки бир нечта Жамият тузиш Жамиятни ажратиб чиқариш деб ҳисобланади.

18.14. Жамиятни қайта ташкил этиш Жамиятни ажратиб чиқариш шаклида амалга оширилса, ажратиб чиқариш тарзида қайта ташкил этилаётган Жамият кузатув кенгаши акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига ажратиб чиқариш шаклида қайта ташкил этиш, ажратиб чиқариш тартиби ва шартлари, янги Жамиятни ташкил этиш, қайта ташкил этилаётган Жамият акцияларини ажратиб чиқарилаётган Жамият акцияларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлаш тартиби, Жамият уставига ажратиб чиқариш шаклида Жамият қайта ташкил этилгани, Жамият устав капитали тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган ўзгартиришлар киритиш ва шунингдек бўлиниш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги масалаларни киритади.

Ажралиб чиқиш шаклида қайта ташкил этилаётган Жамият акциядорлари умумий йиғилиши Жамиятни қайта ташкил этиш, қайта ташкил этиш тартиби ва шартлари, Жамият акцияларини ажралиб чиқаётган Жамият акцияларига айирбошлаш имкониятлари ва бундай айирбошлашнинг тартиби, ажралиб чиқиш шаклида Жамият қайта ташкил этилгани тўғрисидаги ахборотни ўзида ифодалаган Жамият уставига ўзгартиришлар киритиш ва қайта ташкил этиш натижасида камайтирилган

Жамият устав капитали, шунингдек, бўлиниш балансини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорларни қабул қилади.

Ажратиб чиқариш натижасида юзага келган Жамият акциядорлари таъсис мажлиси Жамият уставини тасдиқлайди ва Жамият кузатув кенгашини сайлайди.

Жамият таркибидан бир ёки бир неча Жамиятлар ажратиб чиқарилган ҳолда бўлиниш балансига мувофиқ равишда қайта ташкил этилган Жамият ҳуқуқ ва мажбуриятларининг бир қисми уларга ўтади.

18.15. Жамият қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этган ҳолда бошқа ҳар қандай хўжалик жамияти ёки ширкатига айланишга ва ўзининг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартиришга ҳақли.

18.16. Жамият Кузатув кенгаши Жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини ўзгартириш, буни амалга ошириш тартиби ва шартлари тўғрисидаги масалани акциядорлар умумий йиғилиши муҳокамасига киритади.

Жамият акциядорлари умумий йиғилиши Жамиятни қайта тузиш тўғрисида, қайта тузишни амалга оширишнинг тартиби ва шартлари ҳақида қарор қабул қилади. Қайта тузиш жараёнида вужудга келтирилаётган янги юридик шахснинг қатнашчилари ўзларининг қўшма мажлисларида унинг таъсис ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда қонун ҳужжатларининг талабларига мувофиқ бошқарув органларини сайлаш (тайинлаш) тўғрисида қарор қабул қиладилар.

Қайта ташкил этилган Жамиятнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, қайта тузиш натижасида юзага келган Жамиятга ўтказиш ҳужжатига мувофиқ ўтади.

18.17. Жамият қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- акциядорлар Умумий йиғилишининг қарорига мувофиқ;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига мувофиқ суд қарорига асосан;
- банкрот деб эълон қилинганида;
- амалдаги қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга асосан;

18.18. Жамиятни тугатиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 53 – 56 моддалари, шунингдек “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” қонуннинг 101 – 104 моддаларига мувофиқ амалга оширилади.

18.19. Жамиятни тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан сўнг Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши Тугатувчини тайинлайди.

18.20. Тугатувчи тайинланган вақтдан бошлаб унга Жамият ишларини бошқариш ваколатлари ўтади.

18.21. Тугатувчи:

- тегишли матбуот органида Жамиятнинг тугатилиши, унинг кредиторларининг талаб қўйиш тартиби ва муддатлари тўғрисида хабар эълон қилади. Кредиторларнинг талаб қўйиш муддати Жамият тугатилиши тўғрисида хабар эълон қилинган санадан эътиборан икки ойдан кам бўлмаслиги лозим;
- кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзларини олиш чора-тадбирларини кўради, шунингдек кредиторларни Жамиятнинг тугатилиши тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади;
- Жамиятнинг мол-мулкини баҳолашни ташкил этади.

18.22. Кредиторлар томонидан талабларни қўйиш учун белгиланган муддат тугаганидан кейин тугатувчи оралиқ тугатиш балансини тузади. Мазкур балансда тугатилаётган Жамият мол-мулкининг таркиби, кредиторлар қўйган талаблар, шунингдек уларни қараб чиқиш натижалари тўғрисидаги маълумотлар бўлади. Оралиқ тугатиш баланси акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

18.23. Агар Жамиятнинг мавжуд пул маблағлари кредиторларнинг талабларини қондириш учун етарли бўлмаса, Тугатувчи Жамиятнинг бошқа мол-мулкини ким ошди савдосида сотишни амалга оширади.

18.24. Тугатилаётган Жамият кредиторларига пул суммаларини тўлаш Тугатувчи томонидан оралиқ тугатиш балансига мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган навбат тартибида мазкур баланс тасдиқланган кундан эътиборан амалга оширилади.

18.25. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Тугатувчи тугатиш балансини тузади. Бу баланс акциядорларнинг Умумий йиғилиши томонидан тасдиқланади.

18.26. Кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин Жамиятнинг қолган мол-мулки тугатувчи томонидан акциядорлар ўртасида қуйидаги навбат бўйича тақсимланади:

- биринчи навбатда қонун хужжатларига мувофиқ қайтариб сотиб олиниши лозим бўлган акциялар бўйича тўловлар амалга оширилади;
- иккинчи навбатда тугатилаётган жамиятнинг мол-мулкини оддий (одатдаги) акцияларнинг эгалари бўлмиш акциядорлар ўртасида тақсимлаш амалга оширилади.

18.27. Мол-мулкни ҳар бир навбат тартиби бўйича тақсимлаш аввалги навбат тартиби бўйича мол-мулк тўлиқ тақсимлаб бўлинганидан кейин амалга оширилади.

18.28. Чет эллик инвестор мол-мулк тугатиш қийматининг ўзи олган қисмини белгиланган тартибда айирбошлашга ҳақлидир.

18.29. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган Жамиятни юридик шахсларнинг ягона давлат реестридан ўчириб ташланган вақтдан эътиборан Жамиятни тугатиш тамомланган, Жамият эса фаолиятини тугатган ҳисобланади. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказувчи орган жамият тугатилганлиги ҳақидаги тегишли ёзувни жамият қимматли қоғозлари чиқарилишларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги бекор қилинганидан кейингина киритади.

18.30. Жамиятни қайта ташкил этиш ёки тугатиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

18.31. Тугатувчи ноқонуний ёки атайин нотўғри қилинган ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) натижасида Жамиятга келтирилган зарар учун жавобгардир.

19. УСТАВГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

19.1. Жамият акциядорларининг Умумий йиғилиши ва ўз ваколатлари доирасида Жамият Кузатув кенгаши томонидан Жамият Уставига киритиладиган барча ўзгартириш ва қўшимчалар Ўзбекистон Республикасининг тегишли Давлат органида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

19.2. Жамият уставига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги устави учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, амалдаги Қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

19.3. Агар мазкур Уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

19.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари қоидалари қўлланилади.

19.5. Жамиятнинг ушбу Устави Давлат рўйхатидан ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани тадбиркорлик субъектларини рўйҳатга олиш инспекцияси томонидан 2008 йил 17 июлда 03-000463 – рақами билан рўйхага олинган Жамият устави ва унга киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчалар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

“BOSHTRANSLOYIHA” OAJ
Директори **Рузиев Р.В.**